## ХИСОБ-ШАРТНОМА № 21

Андижон шахар                                                                                20 январ 2022 йил

Бизлар шартнома тузувчилар, биринчи томондан ўз Низоми асосида иш юритувчи "Qurilish materiallari ishlab chiqarish kombinati" МЧЖ номидан корхона бошкарув раиси М.Содиков (бундан буён "Бажарувчи" деб юритилади), хамда иккинчи томондан ўз Низоми асосида иш юритувчи Андиж.хоким. Ободонлаштириш бошкарма номидан рахбари Б.Шокиров лар (бундан буён "Буюртмачи" деб юритилади) «Хўжалик юртувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу хисоб-шартномани туздик.

1.1. "Бажарувчи" қуйидаги махсулотларни етказиб беради ёки хизмат кўрсатади:

| № | Махсулот ёки хизмат номи | Ўл.бир | Миқдори | Бахоси ҚҚС билан | Суммаси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Брусчатка | м2 | 4700 | 42 000 | 197 400 000 |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |
| | **Жами:** | | | | 197 400 000 |
| Бир юз тўқсон етти миллион тўрт юз минг сўм | | | | | |

### 2. ШАРТНОМАНИНГ ШАРТЛАРИ.

2.1. Махсулотларнинг бахоси таннархи ўзгаришига қараб қайта бахоланиши мумкин.

2.2. Олинган махсулотларнинг номи, микдори ва бахоси хисоб-фактурада тўлиқ акс эттирилади.

2.3. Шериклик (давальческий) материал билан хам иш бажарилади.

### 3. УМУМИЙ ШАРТЛАР

3.1. Махсулотларнинг нархи ва шартноманинг умумий қиймати "Буюртмачи"нинг буюртмаси асосан, тузилган калькуляция ёки келишилган бахода тузилади.

3.2. "Бажарувчи"нинг хисоб рақамига "Буюртмачи"чи томондан пул маблағи келиб тушгандан сўнг 45 кундан кейин махсулот тайёрлашни бошлайди ва график бўйича махсулотларни сифатли даражада тайёрлаб беради.(тайёр бетон етказиб бериш бундан мустасно)

3.3. "Буюртмачи" "Бажарувчи"нинг графигига асосан махсулот таёр бўлгандан сўнг, бир ой ичида махсулотларни олиб чиқиб кетиши шарт. Махсулотларни бир ой ичида тўлиқ олиб чиқиб кетмаса (агар ушбу шартноманинг 3.5-бандидаги холат юзага келса) қолган қисми ўша кун холатида юзага келган махсулотларнинг бахоси ўзгарган холатда хисоб-китоб қилинади.

3.4. Агар "Бажарувчи"га хом ашё материаллари (цемент, металл ва хоказолар) ўз муддатида етиб келмаслиги натижасида махсулотларни тайёрлай олмаса "Буюртмачи"ни огохлантиради.

3.5. "Бажарувчи" томон хом ашё ва ёқилғи мойлаш материаллари, эл.энергия, иш хақи ўзгарган холатда махсулот бахосини қайта кўриб чикиб ўзгартириш хуқуқига эга ва "Буюртмачи" ни огохлантиради.

3.6. Махсулот сифатсиз даражада тайёрланганги аниқланганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га бу хақда маълум қилади. "Бажарувчи" махсулотни хақиқатда сифатсиз даражада эканлигини аниқлагандан сўнг "Буюртмачи"га ўша сифатсиз махсулотни сифатлилигига алмаштириб беради.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 "Бажарувчи" тайёр махсулотларни юклаб беришни ўз зиммасига олади.

4.2 "Буюртмачи" ўзининг ишончли вакили орқали тайёр махсулотларни қабул қилиб, "Бажарувчи"нинг худудидан ўзининг транспорт воситаси билан олиб кетиш мажбуриятини ва тегишли объектга безарар етказиб беришни ўз зиммасига олади.

4.3. "Буюртмачи" "Бажарувчи"нинг хисоб рақамига шартнома буйича олинадиган махсулотлар учун олдиндан 100 % пул ўтказиб беради. Томонлар ушбу шартноманинг ижросини таъминлаш келишувини ўзгартирмай фақат шартномадаги талабларга амал қилиш ва иш самарадорлигини таъминлаш учун барча чораларни кўриш мажбуриятларини олади.